

ISSN:2181-0427

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АҲБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2019 йил 5 сон



ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

09.00.00	ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ PHILOSOPHICAL SCIENCES	
25	Глобал экологик муаммолар ечимини топишда ўзбекистоннинг иштироки ва роли Фуломов А.....	153
26	Янги тараққиёт босқичида инновацион маданий мунособатларга фалсафий ёндошув Иминов Б.Б.....	157
27	Сущность и особенности эстетического мышления личности Тоиров И.....	163
28	Ренессанс даврида ғарбий европадаги ижтимоий-фалсафий фикрнинг антропоцентрик ва гуманистик хусусиятлари Норматова Д.Э.....	167
29	Ёшларни маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда миллий менталитетимиз элементларидан фойдаланиш Хакимов Д.А.....	174
30	Хорижий мамлакатларда қишлоқларнинг ўрганиш тажрибасининг ижтимоий-фалсафий таҳлили Тўхтаев Х.М.....	178
31	Проблемы самоорганизации: философский анализ Гаффарова Г.Г.....	184
32	Олий таълим муассасаларида фалсафий таълимни ўқитишининг айрим хусусиятлари Мухтаров Ў.М.....	191
33	Арасту этикасида ахлоқий маданият масалалари Тешабоев М.М.....	196
34	Тарихий жараёнда инсон ва табиат гармонияси масаласи Абдумаликов А.А.....	205

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

10.00.00	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES	
34	Язык в текстильной области знания как объект лингвистического изучения Юлдашева Д.М.....	210
35	Тилшунослиқда терминология масалаларига оид назарий қарашлар Абдуллаева Ш.Н.....	214
36	Поэтик синтаксис ва индивидуал услуг қирралари Тажибаева Д.....	219
37	«Восточная загадка» Ивана Тургенева Чжен Е.В.....	223
38	«Феномен пушкина» в творческом сознании русских символистов Пардабаева Д.Р.....	226



14. Арасту. Поэтика. Аҳлоқи қабир . Т. "Янги аср авлоди ",2004 Б .114.
15. Үша жойда ,Б.114.
16. Арасту .Поэтика .Аҳлоқи қабир .Т " Янги аср авлоди",2004,Б.116.
17. Арасту .Поэтика. Аҳлоқи қодир . Т " Янги аср авлоди", 2004, Б.116-117.
18. Үша жойда,Б.120.

ТАРИХИЙ ЖАРАЁНДА ИНСОН ВА ТАБИАТ ГАРМОНИЯСИ МАСАЛАСИ

Абдумаликов Абдулатиф Абиджанович

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада тарихий жараёнда инсон ва табиат гармонияси масаласи таҳлил қилинган. Шунингдек, инсон ва табиат ўртасида уйгунлик булиши зарурати, "табиат-жамият" тизими мувозанатига етишишининг самарадор йўлларини излаш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: инсон ва табиат, гармония, бирлмчи табиат қонунлари, иккилмчи табиат, табиат ва инсон бирлиги.

ЧЕЛОВЕЧЕСКАЯ И ЕСТЕСТВЕННАЯ ГАРМОНИЯ В ИСТОРИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ.

Аннотация: В данной статье анализируется человеческая и естественная гармония в историческом процессе. А также необходимость гармонии между человеком и природой, поиск эффективных путей достижения стабильности в системе природно-социальной системы.

Ключевые слова: человек и природа, гармония, первичные законы природы, вторичная природа, природа и человеческое объединение

HUMAN AND NATURAL HARMONY IN THE HISTORICAL PROCESS.

Annotation: This article analyzes human and natural harmony in the historical process. Also, there is also a need for harmony between man and nature, the search for effective ways to balance the natural-social system.

Key words: human and nature, harmony, primary laws of nature, second nature, man and nature harmony.

Ибтидоий даврда инсон ва табиат ўзаро муносабатларида инсоннинг табиат кучларига қарамлиги асосида озми-кўпми уйғуниќида бўлганлар. Бизда ибтидоий одамларни ўта ваҳший деб, уларни бошқа ҳайвонат дунёси намуналаридан кучлироқ бўлганлар ва уларни қирганлар дейишга асос йўқ. Зоро, ҳоҳлаган ўлкашунослик музейларида биз ибтидоий одамлар қўлида таёқ билан мамонтларни қувлаётган диорамаларни кўришимиз мумкин Аммо эндиғина пайдо бўлган инсон бундай қилишга қодир эмас эди, ахир у уни яратган табиатнинг табиий компоненти



бўлади ва у ов қилиш учун керакли сунъий қуролга ҳам, на тегишли социал характерга ҳам эга эмас эди.

Ибтидоий одам уни ўраб турган табиий мухит билан яқин ва бевосита бирлиқда бўлган деййлган қарашларни, хусусан, натуралистларни узоқ вақт хавф-хатарсиз бўрилар, айиқлар билан контактда яшашгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам, ҳозирги замон изланишлари ҳам исботламоқда.

Демак, бу ҳайвонлар инсонга хужум қилиш инстинктига эга эмас эдилар, деган хulosага келишга имкон беради ва аксинча, agar инсон ўзини полеонтроп сингари тутса ҳам уни уларга нисбатан ҳамкорликка мойиллига намоён бўлади.

Антик жамиятда нарсанинг табиий моҳиятидан кўра, инсон санъати катта рол ўйнаган, уларда инсоннинг табиат билан яқин муносабати кўрсатилган. Инсон илгари ҳам табиатдаги табиий тартибга қарамасдан, ўзи ҳохлаганича яшаган, бирмунча табиат қонунларига мос ҳолда фаолият кўрсатган.

Қадимги грекларга инсон ва табиат гармонияси гояси характерли бўлган, ўрта аср одами эса бир бутун оламда яшаб, унинг учун олам - Худонинг яратгани деб, баркамол ва гўзал ҳисобланган. Уйғониш даври фалсафасида етакчи жойни натурфалсафий концепция эгаллаган. Шу туфайли табиатни схоластик талқин қилиш методи ўзгарган.

Қанчалик инсониятнинг ўз тарихига яқин қаралган сари ибтидоий жамоа ҳаётида овчиликнинг жуда катта роли хақида шунчалик кўп маълумотлар йифилади. Бу маълумотлардан асосан маълум бўладики, юқори полеолитда (40-50 минг йил илгари) инсонлар жамоаси ҳаётининг иқтисодий асосида йирик ҳайвонларга ов қилиш бўлган. Ов қилишга ўтиш билан инсон табиатдан бегоналашув йўлига ўтган. Ов қилиш майли сода бўлса ҳам, меҳнат қуролини "тайёрлашни" кўзлаган. Бундай меҳнат қуролини умумлаштирилиши, тайёрланиши иккинчи даражали, сода бўлишига қарамай, инсон табиатга актив таъсир эта бошлайди, унга ўзини қарама-қарши қўяди. Аммо табиатни ўзлаштира бошлаб, одам ўз тафаккурида дунёни бир бутун деб хис қиласи, ўзини эса табиатнинг бир бўлаги деб билади.

Ибтидоий тафаккурнинг энг характерли хислатларидан бири табиат билан ўзини бирдамлигини сезишиб, мистик боғлиқлигини хис этишиб бўлди. Ер ва шу территорияда яшовчи ижтимоий гуруҳлар ўртасида алоқадорлик бўлган, ҳар бир социал гуруҳ ўзи эгаллаган ёки ўзи унда юрган территорияни бир қисми билан сирли алоқада деб хис қиласи [1]. Мистик алоқадорлик, инсоннинг табиат ҳодисалари билан умумийлиги ва уларга таъсир этишиб имкониятлари магия (сехр) билан асосланарди. Эҳтимол магияли расм-руслар инсон қобилиятини тақлид қилишнинг давоми бўлган (у билан маймунлар ном чиқарган) ва шу орқали бошқа ҳайвонлардан керакли натижага эришиш усулига ишонтирилган эди.

Ибтидоий одамлар эътиқодида: тотемизм, фетишизм, анимизмда ҳам инсон ва табиат бирлиги ва алоқаси ифодаланган, лекин овчиilar жамоасининг одами секин-аста табиат билан бирлиги узоқлашишига қарамасдан, ўз онгидага унга интилган.



Қадимги маданий ёдгорликлар инсоннинг табиатга мифологик муносабати ҳақида далолат беради, айниқса, мифологик тафаккурни энг кучли импульси бўлиб, табиат билан бирлигини сезиш ҳисобланади, яъни одам ундан ўзини ажратмайди.

Мифларда, айниқса ҳалқ психологияси хусусиятлари, уни ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ўзига хос тасаввурлари катта аҳамиятга эга Мифологик тафаккурда инсон табиатни жонли деб ҳис этган ва уни илоҳийлаштирган ва руҳлантирган. Буни аксини биз тилда, масалан, рус тилида кўрамиз: "Қуёш чиқади ва ботади", "бўрон ҳайқиради" ва бошқалар. Ер ва осмоннинг боғлиқлик ғояси илоҳийлаштирилган космоснинг символи бўлиб, ҳаёт шажараси концепцияси ҳисобланган. Табиат такомиллашган ва уйғунлашган деб фикрланаарди. Инсон ўз ижодида мукаммаллик ҳолатини эгаллашга ҳаракат қиласади ва шу билан бирга табиатдаги мукаммалликни қўллаб-қувватлаш ва мақташга мажбур әди, шунга ўзини масъул деб сезарди [2]. Мадомики, у табиатни инсон ҳаракатидан мустақил тартибли функциялашувчи сифатида деб қабул қилмасди.

Қадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, ўша даврларда одамларнинг дунёқараши, қабила ва элатларнинг мавкураси афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган, мифологик қарашлар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатдаги нарса ва ходисаларнинг илоҳий қувватга эга экани тўғрисидаги хилмалил ғоя ва қарашларга асосланган. Тотемизм - одамнинг кўпинча бирор ҳайвон, парранда ёки афсонавий мавжудод билан алоқаси борлиги, баъзан улардан (ҳайвон ва ўсимликдан) тарқалгани ҳақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиқсан диний тасаввурлар мажмуидир. Қадимий ҳалқлар от, ҳўқиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қилганлар ва уларни ўз аждодлари билан алоқадор деб билганлари туфайли улардан гўёки қуч, руҳий мадад олганлар. Шу тариқа бу жонзодлар уруғ ёки қабила, кейинчалик бутун бир ҳалқнинг сигиниш обьекти – тотемига айланган. Фетишизм – табиий ва сунъий предметларни илоҳий кучга эгалигига эътиқод қилиш, Анимизм – ҳайвонларда қалб борлигига ишониш.

Одамнинг табиат билан дастлабки уйғулиги “олтин аср” ҳақидаги эслатмаларда, Одам ато ва Момо ҳаво жаннатда бўлишлари библияда айтиб ўтилган биринчи одам, яъни Ийим тўғрисида зардуштийлик таълимотида айтилган.

Турли туман ва кўплаб афсонавий маълумотлар шуни кўрсатадики турли шароитларда ва турли дунё қитъаларида яшовчи ҳалқларнинг табиат ҳақидаги қарашларида ажойиб ўхшашлик бор бўлиб, аммо улар ўзаро яқинлашмаганлар. Масалан, американлик индейцлар мисрликларга ўхшаб, Улуг Рух ҳамма нарсада мавжуд ва одамни табиатдаги ҳамма нарсалар билан бирлаштиради, деб ишонишарди. Индейцлар учун одам, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳатто тошлар ҳам – бир универсал оилани аъзоси, Она Ери ва Осмон–Отани болаларидир. Шундай тушунчаларни биз хинд афсоналари – “Ригведа”да ҳам учратамиз.

Одам ва табиатнинг мифологик бирлигини рамзий ифодалашда сфинкс тасвири хизмат қилиши мумкин, унда одам ва ҳайвоннинг танаси бўлаклари бирлашган бўлади.



Аммо, қадимги инсонлар ҳам экологик кризисни бошидан кечирган, яъни юқори полеолит даврида экологик кризис йирик ҳайвонларни оммавий овлаш усули ва ов қилиш учун табиий ресурсларнинг камлиги ўртасидаги зиддиятдан келиб чиққан ва ов қилиш ўша вақтда ўз кучини йўқотган эди.

Ҳайвонларни хонакилаштириш, овчиликдан қишлоқ хўжалиги соҳасига ўтиш (ўсимлик ва ҳайвонларни ўстириш, кўпайтириш) ва одамларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўтиши (қозиқоёқли уй-жойларни қурилиши) неолит революцияси номини олган (неолит - янги тош асри, 9-6 минг йил илгари).

Биринчи қишлоқ хўжалиги экинларининг пайдо бўлиши билан Шарқда пайдо бўлган биринчи цивилизациялар ва ёввойилик даврини алмашилгани ҳақида ҳам гапириш мумкин. Чорвачилик ва дехқончиликнинг ривожланиши ландшафтларни тубдан ўзгаришига сабаб бўлган. Бир неча минг йил илгари дарёлар оралиғида ландшафтни қайта ўзгаририш жуда катта масофаларда олиб борилган. Бунга сабаб, айрим ҳолда бу ерларни сугориш ишларида масалан, Мисрдагидек асосий ролни Нилни табиий тошиши сингари қулай вазият йўқлиги сабаб бўлган [3].

Антрапогенезнинг бутун тарихини ўтган аждодлар қобилиятига мос келувчи ракурсда қараб чиқиши, унинг у ёки бошқа популяциясини табиат “талаби” деб қабул қилиш, улар яшаган ташқи муҳит хусусиятларини ва ўз ҳаёт фаолиятини уларга бўйсундириш деб қарашиб мумкин.

Қадимги Миср, Хитой тарихининг анализи ва бу соҳадаги бошқа кўпгина изланишлар цивилизациялашган структура ва уларнинг эволюцияси табиий омилларнинг ўзгаришига тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўрсатади. Сабаблари турлича: Мисрда иқлимининг жузъий ўзгариши, Шумер ва Хитойда ташқи муҳитга антропоген босимнинг ортиши сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда цивилизация уларга мослаша олмаган ва қадимги Шумерда содир бўлгани каби тарихни бутунлай унутилган. Бошқаларда бу қийинчилклар янги парвозга асос бўлиб хизмат қилган, яъни бундай цивилизация ўзининг экологик токчасини (нишасини) кенгайтира олган.

Хитойликлар бу масалада шумерликлардан ақллироқ бўлиб чиққанлар: аҳоли қўпайганда ва уларни ҳеч нима билан боқиб бўлмаганда, улар сув тўлдирилган пайкалларда гуруч етиштириши ўрганишган ва унда балиқларни кўпайтирилган. Натижада ерни ҳосилдорлиги бир неча бор кўпайган ва мамлакат экологик кризисдан чиққан, ундан ташқари бойиб ҳам кетишган, шунда қадимги Хитой цивилизацияси равшан кўринган. ўрта Яқин Шарқ ҳалқларида инсон ва табиат ўзаро муносабатининг бошқариш қоидаси мифологияда алоҳида акс этган. Перслар Исломни қабул қилишгандан аввал тозаликни сақлаш қоидасига риоя қилишарди, масалан, сув ховузларига қўл ювишмас эди ва бошқаларга ҳам йўл қўймас эдилар. Сув ҳавзаларини перслар жуда эъзозлашар эди, — деб ёзади Геродот.

Инсон ва табиатнинг мифологияни буддизм ва даосизм каби диний тасаввурларда ҳам акс этади. Қадимги Хитой файласуфлари табиатни бир



бутунлиқда ва бирликда қарайды ва уларда: Дао - ҳамма бир йүлни танлайды, ҳамма нарса үзаро боғылғың дегани, ҳаёт бир бутун, унинг ҳар бир қисмини интилиши бир бутунга интилиши билан мос келиши керак, деб белгилайди[5] .

Қадимги Грецияда құлдорлық тизими гуллаган даврида инсоннинг табиатдаги үрни муаммосини янгича ҳал этиш, оламнинг фалсафий күринишини ҳис этишнинг шаклланиши содир бўлади. Қадимги грек ва рим цивилизацияси учун рационаллик хос бўлиб, айтилишича, унинг асосида табиат билан мувозанатга қаратилган экофоб маданият ривожланган. Қадимги Грек маданияти хизматини камситилмаган ҳолда, унинг мутафаккирлари биринчилардан бўлиб, гармонияни келишмовчиликка нисбатан розилик сифатида деб аниқлашган. Инсон ва табиат гармонияси қадимда макрокосм - Олам ва микрокосм - инсон ўртасидаги гармония деб муҳокама қилинган.

Антик урф-одатга асосланиб, Гераклит айланма концепцияни асослаган эди ва бу ҳозирги пайтда экологлар томонидан жонланмоқда, қайсики улар учун энг аҳамиятли тушунчалар-моддалар айланмаси, табиий цикллар ва мувозанат ҳолатидир.

Бизнинг аждодларимиз бўлмиш, фалсафанинг буюк намоёндалари инсон ва табиат ўртасида уйғунлик бўлиши заруратини тушуниб, "табиат-жамият" тизими мувозанатига этишишнинг самарадор йўлларини излаш масаласини илгари суришган. Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва табиатни уйғунлаштириш ҳақидаги фикрлари кейинги параграфда кўрсатилади.

Адабиётлар

1. Леви-Брюль Л. Первобытное мышление. М. 1930. С 163-164.
2. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. Изд 2-е, М. Эдиториал УРСС, 2000г.
3. Программа действий. Повестка дня на ХХI век и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро. -М., 1993.
4. Реймерс Н.Р. Надежды на выживание человечества: концептуальная экология. - М., 1992.
5. Қадимги ҳитой фалсафаси М.Т.1.1972. –Б. 39
6. Расулева Г.Х. Национальная идеология и экология человека. // Цивилизация., инсон, экология. -Т., 2004.